

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 12 июнь, № 118 (4781) Жума


## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 июнь куни Оқсаройда Россия Федерацияси Президентининг МДҲ давлатлари билан алоқалар бўйича махсус вакили Фарит Мухаметшинни қабул қилди.**

Суҳбат чоғида икки томонлама ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида кўп томонлама ҳамкорлик юзасидан батафсил фикр алмашилди. Шунингдек, минтақадаги сув-энергетика манбаларидан оқилона фойдаланишга доир долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Фарит Мухаметшин самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

**(ЎзА).**

## ЯНГРАР ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ

***Бу йил Самарқанд шаҳрида еттинчи марта “Шарқ тароналари” анъанавий халқаро мусиқа фестивали ўтказилади.***

Мусиқа санъати неча минг йиллардан буён инсонлар қалбига юксак ва беғубор туйғуларни жо этиб келаётган, бу ёруғ оламни янада мунаввар қилиб кўрсатадиган мўъжизадир. Айниқса, башарият мураккаб технологиялар, глобал муаммолар, шиддаткор тараққиёт асрида яшаётган бугунги кунда руҳий юксаклик намунаси бўлган бу санъатнинг ҳаётимиздаги ўрни ва қадр-қиммати бениҳоя ортиб бораётир.

Мамлакатимизда бошқа соҳалар қатори мусиқа санъати ривожига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида 1997 йилдан буён Самарқанд шаҳрида ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

Бой маданиятимиз дурдоналари бўлмиш ўлмас мусиқа асарларини бутун дунёга янада кенгроқ танитиш, мумтоз тароналардан нафосат шайдоларини баҳраманд қилиш, янги истеъдод эгаларини кашф этиш борасида ушбу анжуманнинг аҳамияти катта.

Самарқанд азалдан илм-фан, санъат бешиги сифатида маълум ва машҳур. Кўҳна Афросиёб харобаларидан топилган деворий суратларда ҳам созанда ва хонандалар тасвирини кўриш мумкин. Бу эса юртимизда мусиқа санъати неча минг йиллар аввал ҳам юксак даражада ривожланганининг ёрқин далилидир. Буюк аждодларимизнинг мусиқа тарихи ва назарияси масалаларига бағишланган асарлари, Самарқанд вилоятидаги Мўминобод қишлоғидан 3 минг 300 йил муқаддам суякдан ясалган най чолғуси топилгани ҳам миллий мусиқа маданиятимиз илдизлари нечоғли теран эканини кўрсатади.

Машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздий ўзининг “Зафарнома” китобида Амир Темур даврида ўтказилган мусиқий анжуманлар ҳақида тўхталиб, “Яхши овозли хонандалар куйлашни бошлаб, ғазалу нақш айтур эрдилар. Ва турку мўғул, хитойу араб ва ажамдин ҳар ким ўз расми билан нағма айтур эрди”, деб ёзган.

Бир сўз билан айтганда, Самарқанд ўзининг олис тарихи давомида қадимий цивилизациянинг ноёб намуналари, Шарқнинг бетакрор табиати ва ўлмас руҳини, меъморлик санъати, бой маданиятини ўзида мужассам этиб, дунё аҳлининг эътиборини тортиб келаётган улуғвор шаҳардир.

«Шарқ тароналари» деб ном олган, Шарқнинг қалби ва юрагини ифода этадиган, классик мусиқа санъатини асраб-авайлаш ва ривожлантиришдек олижаноб мақсадга хизмат қилиб келаётган бу анжуманнинг айнан мана шу фусункор шаҳарда ўтказиб келинаётганида ҳам чуқур рамзий маъно бор.

Мафтункор Регистон майдонининг ўзидан, бу ерда қад ростлаган муҳташам обидаларнинг мовий гумбаз пештоқларидан гўё мумтоз мусиқа овози эшитилиб тургандек туюлади. Бу садолар шу муаззам масканга қадам қўйган ҳар бир инсонга тарихнинг сеҳрли саҳифаларини очиб, эзгуликка, тинчлик ва осудаликка чорлаётгандек.

(Давоми 2-бетда).

# ЁШЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МАСКАНИ

***фарзандларимиз истеъдоди ва иқтидорининг янада юксалишига хизмат қилади***

*Истиқлол берган беқиёс имкониятлар туфайли аждодлардан мерос қадриятларни асраб-авайлаш, уларга чуқур эҳтиром ила муносабатда бўлиш эзгу анъанамизга айланди. Президентимиз раҳнамолигида ҳаётимизга татбиқ этилаётган ислоҳотлар замирида она-Ватанга садоқат, юртни обод қилишдек пок ният мужассам. Ушбу эзгу нияту муддаолар сабаб бугун мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида бир-биридан кўркам боғу хиёбонлар, муҳташам иншоотлар бунёд этилаяпти.*

**Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига**

Энг муҳими, ушбу саъй-ҳаракатларнинг бари келажак учун, биздан озод ва обод Ватан қолсин, деган улуғ мақсад йўлида амалга оширилмоқда. Бу, айниқса, ёшлар қалбида она-юртга муҳаббат ва садоқат ҳиссини кучайтириб, навқирон йигит-қизларимизни Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўшишдек улкан орзу-мақсадларга ошно этаётир.

Биргина пойтахтимиз мисолида олиб қарасак, муаззам шаҳарнинг бетакрор кўрку қиёфаси, унинг бағрида қад ростлаган гўзал меъморий иншоотларнинг айримлари номинигина қайд этишнинг ўзи кифоя. Истиқлолимизнинг ўтган ўн етти йиллик байрами арафасида ёшларимизга тўёна қилинган Ёшлар ижод саройи ана шундай ҳавас қилса арзигулик ҳашамати ила дилларимизга фахр ҳиссини солади.

Мамлакатимиз раҳбари Ёшлар ижод саройи хусусида сўз юритиб, мазкур иншоот нафақат бугунги авлодга, балки келажак ворисларига ҳам асрлар оша хизмат қилиши даркорлигини алоҳида таъкидлаган эдилар. Чиндан ҳам, замондошларимиз бунёд этаётган боқий иншоотлар асрлар давомида бахтиёр авлодларимизга хизмат қилиш баробарида улар қалбида ўз аждодларининг нозик диди ҳамда бунёдкорлик салоҳиятидан фахрланиш ва ғурурланиш туйғуларини ҳам уйғотмоғи аниқ. Айни шу жиҳатлар эътиборга олиниб, миллий меъморлик анъаналаримиз асосида, замонавий услуб уйғунлигида бунёд этилган бу кўркам сарой қисқа вақт ичида пойтахтимизнинг диққатга сазовор масканларидан бирига айланиб улгурди.

Муҳташам саройда 3 та кўргазмалар зали, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш учун мўлжалланган катта зал, шунингдек, санъатнинг турли йўналишлари бўйича машғулотлар ўтказиладиган ижодий лабораториялар жойлашган. Энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ижод саройи миллий ва умумбашарий маданиятни янада тараққий эттиришда бебаҳо меросимизнинг ўрни ва аҳамиятини кенг тарғиб қилишга қаратилганлиги билан эътиборга моликдир. Зеро, сарой ёш истеъдод соҳибларининг бой тарихимиз, миллий урф-одат ва анъаналаримиз, бугунги кун шукуҳини акс эттирувчи тасвирий, амалий ва фотосанъат соҳасидаги ишларини намойиш этиш мақсадида барпо қилинди. Бундан ташқари, бу ерда концертлар, санъат ва маданият намояндалари билан ижодий учрашувлар, ёшлар конференциялари, семинар-тренинглар, турли кўрик ва фестиваллар ҳам ўтказилади.

Ўтган йили Ёшлар ижод саройида нуфузли тадбирлардан бири — истеъдодли йигит-қизларни кашф этишга муносиб ҳисса қўшаётган “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари марказининг V Ёшлар форуми бўлиб ўтди. Ўз ўрнида қайд этиш жоизки, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ташаббуси билан ташкил этиладиган бундай форумлар 2006 йилдан буён мунтазам ўтказиб келинмоқда.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН – ЖАНУБИЙ КОРЕЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

***Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 11 июнь куни Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Корея Республикаси Миллий ассамблеясининг Кичик ва ўрта бизнес бўйича қуйи қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига бағишланди. Форумда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо-саноат, сармоя, банк-молия, нефть-газ, қурилиш, машинасозлик, авиаташув, қишлоқ ва сув хўжалиги, геология ва минерал ресурслар, озиқ-овқат, енгил саноат, соғлиқни сақлаш, электротехника, транспорт ва транспорт коммуникациялари, логистика, суғурта, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, сайёҳлик ҳамда фан-таълим соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Э. Ғаниев мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар барча йўналишлар қатори савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳада ҳам изчил ривожланаётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Хусусан, Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг жорий йил май ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларни янги поғонага олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Савдо-иқтисодий соҳада мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби амал қилмоқда. Корея Республикаси — Ўзбекистоннинг энг йирик сармоявий шерикларидан бири. Мазкур мамлакатнинг Ўзбекистон иқтисодиётига киритган жами сармояси икки миллиард АҚШ долларидан ошади.

Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасидаги имкониятлари катта. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2008 йили бир миллиард АҚШ долларидан ошди. Бу эса икки мамлакат иқтисодий ҳамкорлиги жадал ривожланаётганининг ёрқин тасдиғидир. Ўзбекистонда кореялик ҳамкорлар билан ташкил этилган 351 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда Жанубий Кореянинг 91 та компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Форумда кореялик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб қилишнинг устувор йўналишлари, Ўзбекистоннинг нефть-газ, банк-молия, сайёҳлик, автомобилсозлик, авиасозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ ва сув хўжалиги каби соҳалардаги салоҳияти ҳақида батафсил маълумот берилди. Мамлакатимиздаги сиёсий ва иқтисодий барқарорлик ялпи ички маҳсулотнинг мунтазам ўсишида муҳим омил бўлаётгани таъкидланди. Меҳмонлар юртимизда давом этаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизни ривожлантириш йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги янгиланишлар билан яқиндан танишдилар.

— Мамлакатингиздаги қулай сармоявий муҳит кореялик ишбилармонларнинг ўзбекистонлик шериклар билан кўплаб соҳаларда ҳамкорликка қизиқишини кучайтирмоқда, — дейди «Silla FNC» компанияси раиси Пак Кин Кью. — Ташриф асносида Навоий ва Самарқанд шаҳарларида ҳам бўлдик. Бу шаҳарлар, айниқса, қадимий Самарқанд ва пойтахтингиз Тошкент бизда унутилмас таассурот қолдирди.

(Давоми 2-бетда).

*Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан Бирлашган Араб Амирликлари Иқтисодиёт вазирлиги ўртасида иқтисодий ҳамкорлик, савдо ва инвестициялар тўғрисидаги англашув меморандуми имзоланди.*

## ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликлари улкан иқтисодий салоҳиятга эга давлатлардир. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик йил сайин ривожланмоқда. Юртимизда чет эллик ишбилармонлар учун яратилган қулай сармоявий муҳит Бирлашган Араб Амирликлари ишбилармонларининг ҳам ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорликка қизиқишини тобора оширмоқда. Юртимизда Бирлашган Араб Амирликлари сармоядорлари иштирокида етмишдан зиёд қўшма корхона тузилган. Улар савдо, озиқ-овқат, тўқимачилик, қурилиш материаллари, транспорт хизмати кўрсатиш каби соҳаларда фаолият юритади.

— Бирлашган Араб Амирликлари Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлайди, — дейди Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиёт вазири Султон бин Саид Ал-Мансурий. — Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорликка асосланган ҳамкорлик савдо, иқтисодиёт, сармоя, ахборот технологиялари ва сайёҳлик каби кўплаб соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда.

Бирлашган Араб Амирликлари делегацияси аъзолари мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида музокаралар ўтказди.

Меҳмонлар Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуини зиёрат қилдилар. Темурийлар тарихи давлат музейида бўлиб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатларни кўздан кечирдилар.

**(ЎзА).**

# Мамлакат бўйлаб

**Воқеалар, янгиликлар, хабарлар**

## Минтақавий семинар

***Қарши шаҳрида “Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси: тажриба ва истиқбол” мавзуида минтақавий семинар бўлиб ўтди.***

Унда Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро вилоятлари хўжалик, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича судларининг раислари, судьялар, адлия, прокуратура, солиқ ва божхона хизмати ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди томонидан Германия Техник ҳамкорлик жамиятининг "Марказий Осиё мамлакатларида суд-ҳуқуқ ислоҳотларини қўллаб-қувватлаш" дастури доирасида ташкил этилган ушбу анжуманда янги таҳрирда тайёрланаётган Хўжалик-процессуал кодексини мукаммаллаштириш масаласи муҳокама қилинди.

Маълумки, амалдаги кодексга хўжалик баҳсларини адолатли ҳал этиш билан боғлиқ баъзи ўзгартишлар киритилганлигига қарамасдан, ҳозирги тараққиёт уни янада takомиллаштиришни талаб қилмоқда. Йиғин иштирокчилари шу эҳтиёждан келиб чиқиб, Олий хўжалик суди ишчи гуруҳига амалий таклифлар беришди.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

***Андижондаги Болалар шаҳарчасида 73 нафар ўғил-қиз оилавий шароитда истиқомат қилмоқда.***

## Болалар шаҳарчасига автоулов

Улар шаҳардаги турли мактабларда ўқиш билан бирга, шу ерда ташкил этилган фан ва ижодий тўгараклар ҳамда спорт секцияларига қатнаш имкониятига эга.

Яқинда ушбу шаҳарча болаларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия томонидан "FORLAND" русумли автомашина туҳфа қилинди. Мазкур маросим ўзига хос тантанага айланиб кетди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

**БИР РАҚАМ ШАРҲИ**

## Касаначилар сафи кенгаймоқда

***2009 йилнинг биринчи чораги давомида республикамиз бўйича жами***

**280 мингдан зиёд**



**киши касаначиликка жалб этилди.**

Ҳудудларда корхоналар ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтириш, пудрат ва оилавий бизнес шартномалари асосида янги иш ўринлари яратиш касаначилар сонини шунча миқдорга кўпайтириш имконини берди.

*Самарқанд қишлоқ хўжалик институти Қоракўлчилик кафедраси ҳамда Ўзбекистон Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий тадқиқот институти олимларининг кўп йиллик изланишлари самара берди.*

## Қоракўл қўйининг янги тури

Уларнинг Жондор туманидаги қоракўлчиликка ихтисослашган Амир Темур номли хўжаликда олиб борган тадқиқотлари натижасида қоракўл қўйининг "Бухоройи шариф" тури яратилди. Ушбу кашфиётга Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси томонидан патент берилди.

Мазкур идора вакилларининг билдиришича, янги тур қўй териси ўзининг нафис ва енгиллиги ҳамда жилоси билан ажралиб туради.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

Наманганда Халқаро молия корпорацияси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва БМТ Ривожланиш дастурининг "Ўзбекистонда давлат молиясини ислоҳ қилиш" қўшма лойиҳаси асосида семинар бўлиб ўтди.

## Солиқ қонунчилигига бағишланди

Тадбир чоғида "Солиқ қонунчилиги, солиқ маъмурчилиги ва солиқ мажбуриятларини бажариш" ҳамда "Камерал назорат, молиявий ва солиқ ҳисоботларининг таҳлили" мавзуларида тренинг ва муҳокамалар уюштирилди. Унда вилоят давлат солиқ бошқармаси мутахассис ва назоратчилари текширув турлари, маъмурий жавобгарликка тортиш масалалари билан боғлиқ ишларни таҳлил этишди.

Шунингдек, тадбирда ўтган йили қабул қилинган Солиқ кодексининг мазмун-моҳияти ҳамда аҳолининг солиқ маданиятини ошириш хусусидаги фойдали фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

## Талабалар ҳузурида очиқ мулоқот

***Навоий давлат педагогика институтида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорлигида очиқ мулоқот ўтказилди.***

Тадбирда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, миллий қонунчилик базаси, қонунларнинг жойлардаги ижроси, айрим қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳамда одам савдосига қарши кураш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида талабаларга тушунча берилди. Айни пайтда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш билан боғлиқ вазифалар хусусида сўз юритилди.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

# Спортнинг сирли олами

## ФАХР



**Иқтидорли таэквондочи Евгения Каримова 1989 йилнинг 12 июнида Бухоро шаҳрида туғилган. Спортнинг ушбу тури бўйича кўпчилик тенгдошлари ҳавас қилса арзигулик натижаларга эришган. Жумладан, таэквондо (ВТФ) бўйича (+ 72 кг.) Ўзбекистон чемпиони, 2006 йили Доҳа (Қатар)да ўтган XV Осиё ўйинлари кумуш медаль совриндори, кўплаб нуфузли халқаро турнирлар ғолиби бўлган. У 2008 йили Пекинда ўтказилган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида ҳам иштирок этган. Ҳозирда диққат-эътиборини 2012 йили Лондон (Англия) шаҳри мезбонлик қиладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларига тайёргарликка қаратган.**

## «ТЕЛЕФОННИ АДАШТИРМАДИНГИЗМИ?»

...**2006** йил. Доҳа шаҳри. XV Осиё ўйинлари дастуридан ўрин олган таэквондо баҳсларининг финалига икки карра Олимпиада ўйинлари ғолиби ҳамда тўрт карра жаҳон чемпиони хитойлик Чен Зонг ва ўзбекистонлик Евгения Каримова таклиф этилади. Кўпчилик ушбу баҳсда хитойлик тажрибали спортчи осонлик билан ғалаба қозонади, деб ўйлаганди. Лекин бундай бўлиб чиқмади. Учрашув асосий вақти тенг курашлар остида ўтди. Фақат ҳамюртимиз учинчи раунднинг сўнгги дақиқаларида зарба ўтказиб юборди ва кичик фарқ билан имкониятни бой берди. Якунда хитойлик таэквондочи ушбу жанг унинг курашларидаги энг қийини бўлганини очиқчасига тан олди. Ўз навбатида, эндигина 17 ёшга тўлган ўзбекистонлик спортчининг маҳорати мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.

— Доҳадагидек йирик мусобақада биринчи бор иштирок этаётгандим, — деб эслайди Евгения. — Шунинг учун бўлса керак, мени бир дақиқа бўлсин, ҳаяжон тарк этмади. Саралашда эронлик, баҳрайнлик таэквондочиларни ютганимда ҳам қалбимда ана шундай ҳис-туйғу бор эди. Лекин ўзимни қўлга олиб, финалгача етиб бордим ва кумуш медаль билан тақдирландим. Ўшанда хаёлимдан бир фикр ўтганди: спортнинг сирли жиҳати шунда эканки, рақибингдан жисмоний жиҳатдан тажрибасиз бўлсанг ҳам, руҳан устунлик қила олсанг, кўзлаган marрангга етишинг мумкин. Менга финалгача рўбарў келган таэквондочилар маҳорат бобида тенгсиз эдилар. Устига устак, бундай халқаро турнирда илк бор қатнашишим. Лекин устозларимнинг ҳам жисмонан, ҳам руҳан тайёрлаганлари мени шундай муваффақият сари етаклади...

Е. Каримова Бухоро шаҳридаги 8-мактабда ўқиб юрган кезларида, баскетбол тўгарагига қатнаб турарди. Шу мактаб залида мураббий А. Фармонов таэквондо бўйича машғулотлар олиб борарди. Евгения баскетбол тўгарагидан бўш пайтлари таэквондо бўйича машғулотларда ҳам ўз омадини синаб кўра бошлади. Мураббий ундаги иқтидорни пайқагач, тўлиқ таэквондога ўтишни таклиф қилди. Шундай қилиб, собиқ баскетболчи қиз таэквондочига айланди. Лекин у тўгаракка кетаётганида уйидан барибир баскетбол тўпини олиб чиқиб кетарди...

Орадан уч ой ўтгач, мураббийи унинг онаси — Татьянага қизи таэквондо бўйича вилоят биринчилиги ғолиби бўлганлиги ҳақида телефон орқали хабар қилди. Татьяна эса ҳайрон бўлиб жавоб қайтарди: "Сиз балки телефон рақамида адашгандирсиз?". Ҳеч қандай хато қилмаганлигини исботлаш учун мураббий А. Фармоновнинг ўзи Евгенияларнинг уйига ташриф буюрди ва онасини мусобақаларни томоша қилишга таклиф этди.

Татьяна собиқ спортчи (парашютда сакраш бўйича) бўлса-да, узоқ вақт қизининг таэквондони танлаганига кўниколмай юрди. Отаси Сергей эса собиқ курашчи сифатида бу ҳолатга ижобий қаради. Шу тариқа Ўзбекистон таэквондо мактаби ўзининг навбатдаги иқтидорли вакилига эга бўлди.

Ярим йиллик машғулотлардан сўнг 12 ёшли Е. Каримова пойтахтимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон биринчилигида шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олди. 14 ёшга тўлганида эса мамлакат ўсмирлар терма жамоаси сафига таклиф этилди.

Устозлари ёрдамида олиб борилган тинимсиз машғулотлар аста-секин ўз самарасини бера бошлади. У 2006 йил Олма-ота шаҳрида ўсмирлар ўртасида ташкил этилган Осиё чемпионатида кумуш медални қўлга киритди. Шундан сўнг уни мураббийи билан Зарафшон шаҳрига таклиф этишди. У бу ердаги махсус базада ўз маҳоратини оширди. Шуни таъкидлаш лозимки, Евгения машғулотлар жараёнида ўқишни ҳам ташлаб қўймади.

— Мен барча соҳада ўз олдимга қўйган мақсад сари қатъий интиламан,— дейди Евгения. — Кейинчалик мен ҳақимда гапирганларида, "Спортда нималаргадир эришди, ўқишда эса йўқ", дейишмасин. Қолаверса, отамнинг менга билдирган ишончини оқлашга (отаси бундан беш йил муқаддам вафот этган) доимо ҳаракат қиламан.

— Аксарият қизлар ўзининг ҳуснини йўқотиб қўймаслик учун спортнинг бадиий гимнастика, сузиш ва бошқа шунга ўхшаш жароҳат етказмайдиган турларини танлайди, — дея бу борадаги фикрини билмоқчи бўлиб сўрадик ундан.

— Ҳозирча барчаси кўнгилдагидек кетаяпти. Танлаган спорт туримдан нолимайман.

— Ватанпарварлик деганда нимани ҳис қиласиз?

— Жуда кўп нарсани. Масалан, йирик мусобақаларда ғалаба қозонганимда, мамлакатимиз байроғининг баланд кўтарилиб, мадҳиямиз янграшини эшитиш мен учун — ватанпарварлик. Биз жамоамиз билан халқаро мусобақалар олдидан, биринчи навбатда, мадҳиямизни эшитамиз. Бу эса бизга беллашув олдидан катта куч бағишлайди. Мақсадим — 2012 йили Лондонда ўтадиган навбатдаги ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмасини қўлга киритиб, унда муваффақиятли иштирок этиш...

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.**



## Баскетбол ва математика

**АҚШ ва Испания олимларидан иборат тадқиқотчилар гуруҳи баскетбол ўйинларининг самарадорлигини аниқлашда катта аҳамият касб этадиган янги математик модель ишлаб чиқишди.**

Мутахассисларнинг фикрича, ушбу янгилик мураббий ва жамоа мутасаддиларининг ўйинчилардан қилган талаблари қанчалик бажарилганини ҳисоблаш имконини беради.

Тадқиқотлар давомида мутахассислар учрашув вақтидаги ҳар бир ўйинчининг ҳаракатларига алоҳида эътибор қаратишди. Ўйин вақтида спортчининг самарали ҳаракати бир баллик тизимда баҳолаб борилди. Салбий кўрсаткичлар учун эса шунча миқдорда очко олиб ташланди. Якунда кутилмаганда жамоанинг барча ўйинчиси деярли бир хил кўрсаткичга эга бўлди. Ушбу натижа мураббий ва мутахассисларни ҳайрон қолдирди. Бундан кўринадики, жамоа ютуғи ёки муваффақиятсизлигига фақат бир кишининг эмас, балки барчанинг меҳнати бир хил сингади.

Демак, юқори кўрсаткичга эришиш учун ўйинчиларнинг ҳамжиҳатлиги муҳим, деган хулосага келинди.



## Биринчи ҳикоя

**Ўсар полвоннинг номи тилга олинганда, етти иқлимга донғи кетган курашчилар ҳам хушёр тортиб қолишарди. Избосканнинг Тўрткўл қишлоғидан чиққан бу полвоннинг кураги ерга тегмаган, давралардан боши эгик чиқмаган эди.**

Нима бўлди-ю, полвон кутилмаганда ўзидан ўн-ўн беш ёшлар чамаси кичик, ҳали танилиб улгурмаган ғўр «полвонча»га ютқазиб қўйди. Пойтуғнинг азим чинорлари тангадай офтоб туширмайдиган боғда йиғилганлар «оҳ» тортиб юборишди.

— Полвонга бир нима бўлган кўринади, йўқса, тайёр ғалабани бой берармиди? — ҳадиги ортди Раим оқсоқолнинг. — Бели лат едимикан-а?...

— Менимча, қўлининг пайи чўзилган, — гапга қўшилди Ҳаким тоға.

Ўртада ҳакамлик қилаётган оқсоқол полвоннинг шойи белбоғини ечиб, давра айланди. Қийиқ пулга тўлди. Ўсар полвон пул тугилган қийиқни ёш рақибига узатди.

— Ҳалолинг бўлсин, — йигитнинг елкасидан беозор қучди у. — Ғирромлик қилмадинг. Сени даст кўтариб ёнбошимга олаётганимда ўзимни бошқаролмай қолдим. Бир силташинг кифоя эди. Ундай қилмадинг, шаънимни, обрўйимни сақладинг, мард экансан!

Полвонларнинг гапи битта бўлади: мижғовланмайди. Полвонларнинг назари тўқ, мард бўлади. Улар ўз маҳалласи, қишлоғи, юртининг шаъни, номусини, ориятини забардаст елкаларида кўтарганча майдонга тушадилар. Ўсар полвон ҳам залворли юк билан рақибига кўндаланг бўлганди.

— Тўғри, ютуқ меники эди, — чуқур тин олди у. — Лекин мен уни ютаман, деб эмас, қандай қилиб бўлса ҳам руҳини чўктирмайман, шаштини пасайтирмайман, деб курашдим. Бояқишнинг илиги тўқ, суяги бутун экан. Бор куч-қуввати билагига жамлангандек гўё. Ҳали бунақасига дуч келмагандим. Шу боис уни аядим.

Ҳамқишлоқлар Ўсар полвоннинг бағрикенглиги ва тантилигига яна бир бор тасанно айтишганди, ўшанда.

Орият:

## БЕБАҲО, ТАНТИ ВА МАРД

**Ҳамид полвон пахтаободликлар тан олган паҳлавон эди. Ўша полвон Пахтаободга меҳмонга келган фарғоналик Ҳамдам полвондан енгилди-ю, бошини хам қилганча, ердан кўзини узолмай даврадан чиқиб кетди.**

## Иккинчи ҳикоя

Полвонларнинг иккинчи бел олишида ҳам Ҳамид полвон фарғоналик рақиби олдида ожиз қолди, яна йиқилди. Уни яқин атрофда тенги йўқ, деб билувчилар донг қотишди. Полвоннинг ўзи эса сўраганларга тайинли жавоб қайтармади.

Ҳамдам полвон яна бир гал Пахтаободга келганида, аҳвол бутунлай ўзгача тус олганди. Самимият ўрнини такаббурлик, камтарлик ўрнини кибр-ҳаво эгаллаганди. Меҳмон ўзидан икки марта енгилган Ҳамид полвонга беписанд қаради. Хушламайгина кўришди.

Эртаси куни боғда кураш эълон қилинди. Даракчи давра айланар экан, Ҳамдам полвонга бас келадиган курашчини даврага чорлай-чорлай чарчади. Ундамунда бел олишиб юрганлар «Ҳамид полвондан устун келганга биз қандай бас келамиз», дея юраклари бетламади. Ҳамдам полвон виқор билан даврани айланар экан, бир чеккада қараб турган Ҳамид полвонга юзланди.

— Йиқилсангиз ер кўтаради, полвон, — деди у истеҳзо билан. — Қани, чиқинг даврага.

Шунда Ҳамид полвоннинг бармоқлари мушт бўлиб тугилди. Юзларининг этлари пир-пир учди. Асаблари камоннинг ипидек таранглашди.

— Мен сизни меҳмон билиб, ҳар сафар ҳурматингизни ўрнига қўяётгандим, — пичирлади унинг лаблари. — Ғалабани дастурхон қилиб ёзаётгандим.

Оломоннинг қий-чуви остида кураш бошланди. Ҳамид полвон шерга айланиб кетганди, гўё. У рақибининг белидан сиққанича кўтариб гир-гир айлантирар, сўнг бутун оғирлигини белига жамлаб, белдошини давра узра «судралишга» мажбур қиларди. Боғ одамларнинг ҳайқириғидан ларзага келди.

Меҳмон полвон ҳолдан тойиб, терга ботди. Рақибининг белбоғига чимирилган қўллари бўшашди. Ҳамид полвон уни боши узра кўтариб, бир айлантиргач, ерга «ирғитмади». Ёнбошлатиб йиқитди.

Ҳамид полвоннинг юзи ёруғ бўлди, кўнгил кўчалари чарақлаб кетди. Елкасига ташланган зарбоф тўнни қўлига олиб, одамларга таъзим қилди. Бирбир қадам босиб, ҳамон ердан туришга улгурмаган Ҳамдам полвоннинг ёнига борди. Ўрнидан турғазиб, чопонни елкасига ташлаб, даврадан чиқиб кетди. Шу-шу, у бошқа кураш тушмади.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ.**



## 30 дақиқада қанча калория йўқотиш мумкин?

**Ярим соат спорт билан шуғулланган киши қанча калория йўқотиши мумкинлиги мутахассислар томонидан ҳисоблаб чиқилган. Бу ҳолат ҳар бир спорт турида турлича. Жумладан:**

### Велосипедда

Агарда велосипедни тезлик билан бошқарсангиз, ярим соатда 260 калория, аксинча, секин бошқарсангиз, 90 калория сарфлайсиз.

### Сузишда

Эркин усулда сузганда 300 калория, баттерфляйда 450, чалқанча услубда 240 калория йўқотасиз.

### Югуришда

**Очиқ ҳавода 30 дақиқа енгил югурганда 300 калория сарфлашингиз мумкин. Югуришни ёқтирмаганлар ҳам тез юриш билан шунча миқдордаги калорияни йўқотиши кузатилган.**

### Теннисда

Теннис ўйнаган киши ярим соатда 250 калория сарфлайди. Жуфтлик баҳсларида ҳаракат бир оз кам бўлгани учун бой бериладиган энергия миқдори ҳам табиий равишда оз бўлади. Яъни, жуфтликда якка калик баҳсига нисбатан 50 калория кам йўқотилади.

## Яшил майдон ҳангомалари

### Бўш қолган захира

**Буюк Британияда туманли об-ҳаво кўп кузатилади. Шу сабабли, ушбу мамлакатни "туманли альбион" деб ҳам аташади. Шубҳасиз, бундай ҳолатлар футбол баҳсларига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Бир сафар Шотландиянинг икки клуби ўзаро баҳс ўтказаётганда, қалин туман майдонни бутунлай қоплаб олади. Кўриш қийинлашади. Шунда ҳакамга футболчилар кўпроқдек туюлади. Ҳушёр ҳакам тезда югуриб бориб, захира ўриндиғига нигоҳ ташлайди. У адашмаган экан. Захирадагиларнинг бирортаси ҳам ўз ўрнида йўқ эди. Ўйин тўхтатилади ва майдонда 30 футболчи ҳаракат қилаётгани маълум бўлади.**

### «Қайси дарвозага гол урдим?»

Туман билан боғлиқ яна бир қизиқ ҳолат. Бу воқеа ҳам Англияда кузатилган. Қалин туман остида ўтган учрашув 3:3 ҳисобида якунланади. Бир жамоа ҳужумчиси учрашувдан сўнг қуйидагиларни айтиб ўтади: "Мен бешта гол урганимни аниқ эслайман. Лекин қайси жамоанинг дарвозасига тўп киритганимни билмайман".

Бундан ташқари, ўйиндан сўнг ҳакам ҳар бир жамоа таркибида 18 нафардан футболчи ҳаракат қилганини пайқаб қолган.

### Пенальтини жорий этган Пенальти

***1891 йили футбол қоидалари бўйича эксперт, ирландиялик Жон Пенальти ўн бир метрлик тўпдан фойдаланиш таклифини киритади. Пенальтининг "ихтироси"га кўра, мазкур жарима тўпи жарима майдони ичида қоида бузилса ёки қўл билан ўйналса, амалга оширилиши лозим эди. Биринчи бор Ирландия футбол лигасида жорий этилган ўн бир метрлик жарима тўпи бугун бутун дунёда унинг асосчиси номи билан "пенальти" деб юритилади.***

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

*Дунёда энг катта стадион қаерда? Ўша спорт иншооти билан боғлиқ қандай тарихий воқеалар рўй берган? Спортга, хусусан, футболга ишқибоз юртдошларимиз бу саволга, албатта, беш маротаба жаҳон чемпионлигига сазовор бўлган Бразилияни тилга олиб, бу ердаги "Маракана" стадиони ҳақида сўз юритишлари табиий. 1950 йил 16 июлда бу ерда футбол бўйича тўртинчи жаҳон чемпионатининг финал учрашуви Бразилия — Уругвай миллий терма жамоалари ўртасида ўтказилган. Ўйинни бевосита майдондан туриб томоша қилиш мақсадида 199 854 нафар мухлис ташриф буюрган... Ҳа, бу кўрсаткич нафақат жаҳон чемпионатлари, балки бутун футбол тарихида ҳали-ҳануз рекорд натижа бўлиб турибди.*

## Мафтункор «Маракана»

### Мўъжизавий манзиллар

"Маракана" — Рио-де-Жанейро шаҳрининг шимолий қисмида жойлашган ва бугунги кунда ўз бағрига кўплаб томошабинни сиғдира оладиган дунёдаги энг катта стадион. У 1948 — 1950 йилларда жаҳон чемпионати учун махсус қурилган. Мажмуада тўлиқ қурилиш ишлари эса 1965 йилда ниҳоясига етказилган.

Айтиш жоизки, Бразилия мезбонлик қилган тўртинчи жаҳон чемпионати баҳсларини ҳаммаси бўлиб 1 миллион 45 минг 300 нафар мухлис бевосита стадионлардан туриб кузатган. Бу ҳар бир ўйинга ўртача 47514 нафар мухлис ташриф буюрди, деганидир (мазкур рақам ҳам жаҳон чемпионатлари тарихида энг юқори кўрсаткичлардан бўлиб турибди). Дарвозалар 22 ўйинда 88 бор ишғол этилган, яъни ҳар бир учрашувда ўртача 4 тадан гол киритилган.

Аслида ушбу стадионнинг расмий номи Рио-де-Жанейро шаҳрининг ўша пайтдаги мэри Марио Филью номи билан аталади. "Маракана" эса норасмий бўлиб, стадион барпо этилишидан аввал унинг ўрнидан маракан оиласига мансуб тўтиқушлар номи билан аталувчи кичик дарё ўтган экан. Шундан сўнг дарё ўрнида аҳоли пункти барпо этилган ва шу ном кейинчалик стадионга берилган. Бу иншоот Бразилияда "мамлакатнинг миллий стадиони" деб ҳам юритилади.

Стадиондаги илк учрашув Рио-де-Жанейро ва Сан-Паулу жамоалари ўртасида кечган. Ўшанда биринчи тўп таниқли футболчи Диди томонидан киритилган. 1963 йилдаги миллий чемпионат баҳсларидан бири — "Фламенго" ва "Флуминенсе" жамоалари ўйинига 177 656 ишқибоз ташриф буюрди. Бу ҳам клублар ўртасида ўтган учрашувлардаги энг юқори кўрсаткич сифатида қайд этилган. Мамлакат шимолидаги "Сантос" жамоаси 1962 ва 1963 йилларда Минтақалараро кубокда "Бенфика" ва "Милан"га қарши баҳсни ўз майдонида эмас, балки айнан "Маракана"да ўтказишни афзал билган. Орадан 40 йил ўтиб, 2000 йилнинг январида ФИФА томонидан жорий қилинган янги клублар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг финал учрашуви ҳам шу ерда бўлди.

Стадион ясси шаклда бунёд этилган. Унинг ёнида бокс, теннис мусобақалари, шунингдек, турли фестиваль ва концерт дастурларини ташкил этишга мўлжалланган "Маракансиньо" спорт маркази фаолият юритади.

Стадионнинг кириш қисмида 1958 йилда Швецияда ўтган жаҳон чемпионати ғолиблиги шарафига бронзадан ишланган футболчи монументини кўришингиз мумкин. Унинг пойдеворига футбол тарихидаги энг яхши терма жамоа сифатида эътироф этилган жамоа аъзоларининг номи ёзиб қўйилган. Бу ерда, шунингдек, рақиблар дарвозасига мингта гол киритган Пеле (Эдсон Арантес ду Насименту) ўтириб кийинган стул ҳам ўрнатилган.



Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов яқинда Бразилия Федератив Республикасига расмий ташрифининг учинчи куни Рио-де-Жанейро шаҳрига сафар қилганида, мазкур мамлакат фахри — "Маракана"ни бориб кўрдилар.

Шу ўринда дунёга машҳур тренер Карлос Альберто Паррейранинг бир фикрини эслагимиз келди. У Бразилиянинг футбол оламидаги ютуқлари сирига изоҳ бераркан, "Ушбу мамлакат юқори натижаларга ўз-ўзидан эришаётгани йўқ. Ёки кўпчилик ўйлаганидек, шунчаки кўчалардан топилган иқтидорлар эвазига ғалаба қозонмаяпти. Бу ерда футбол ривожи учун барча асослар етарли. Уларда иқтидор эгалари тарбияланиб, маҳоратларини оширгачгина, катта майдонларда кутилган муваффақиятларга эришилмоқда", дея таъкидлайди. Паррейранинг ушбу фикрларига биз сўз юритган дунёда тенги йўқ "Маракана" стадиони бир мисол бўла олади. Маҳобатли иншоот мамлакатда футболга бўлган юксак эътиборнинг ёрқин намунаси сифатида ҳали-ҳануз барчани ҳайратга солиб келмоқда.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ тайёрлади.**

*Газетамизнинг навбатдаги сони 16 июнь, сешанба куни чиқади.*

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 45734 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ф. Бўтаев.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Қ. Хидиров.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 23.10
1 2 3 4 5 6 7 9